

Ҳадя ва ҳиба

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф



11:05 / 20.03.2020 2363


Савол:

Инсон илмни бўлиши учун устознинг дуоси зарур бўлади. Ҳадя қилинсин, деган гапга келсак, устозим мендан бадавлатроқ. Менинг ҳадям улар учун арзимас бўлиши мумкин. Қандай йўл тутишим керак?

Жавоб: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Аввало, устознинг дуосини олиш учун албатта ҳадя бериш шарт эмас. Ҳадя бермай дуо олса ҳам бўлади. Қолаверса, ҳадя берувчи ҳадя олувчидан бой бўлиши шарт ҳам эмас.

Агар молни у бериладиган шахс олдига уни улуғлаб ва меҳрини қозониш учун олиб борилса, ҳадя бўлади.



Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўзаро ҳадя қилинглари, чунки ҳадя кўнгилдаги ғилли-ғашни кетказди. Қўшни аёл қўшни аёл учун қўйнинг пойчасини ҳам арзимас санамасин», дедилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

Дарҳақиқат, ҳадя олди-бердиси кишилар орасидаги турли кўнгил ғашликларини кўтарди. Биров бошқа бир кишига кўнгилда ҳиқду ҳасади бўлмагандагина ҳадя беради. Ҳадя олган эса агар кўнгилда баъзи бир нарса бўлса ҳам чиқариб юборади. Бу ерда ҳадянинг катта қимматга эга бўлиши шарт эмас. Ўша вақтларда ҳадялар асосан таом бўлган. Туёқни еб бўлмайди. Лекин шу нарса ҳадя қилинса ҳам, беписандлик қилмаслик керак экан. Ҳадисда аёл қўшнилари зикр қилиниши бу масаладаги асосий гап-сўзлар аёллар томонидан чиқиши этиборидандир.

Валлоҳу аълам.

«Зикр аҳлидан сўранг» китобидан